O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2006-yil, 10-март • № 10 (3839)


## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март — меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва иффат, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва хосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганнинг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик — бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими — буларнинг барчасида сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад кўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуига Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар авваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматкаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканимизни ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун туғдириб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин-шакар набираларнинг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

## МУКОФОТ МУБОРАК, АЗИЗ СИНГИЛЛАР

*Кутлаймиз!*

Мана, бир неча йилдирки, республикамизда истеъдодли ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг миллий истиқлол ғояларини ҳамда маданий-маърифий қадриятларни ҳаётга татбиқ этишдаги самарали ва ибратли фаолиятларини рағбатлантириш, баркамол хотин-қизлар авлодини тарбиялаб вояга етказиш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар йили 8 Март — меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, аъло хулқли, зукко, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги ва ноёб истеъдодини намоён этиб, адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларида алоҳида ютуқларга эришган ёш иқтидорли қизларга Зулфия номидаги Давлат мукофотини топшириш яхши анъана тусини олди.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг вакиллари бўлмиш бир гуруҳ истеъдодли қизларга ана шу мукофот — совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар тантанали равишда топширилди. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали талабаси Замира **Палуаниязова**, Андижон санъат коллежи талабаси Саидахон **Қулматова**, Бухоро санъат коллежи талабаси Моҳичеҳра **Шомуратова**, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Дилфуза **Маҳкамова**, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг маънавият ва маърифат бўлими услубчиси Хуршида **Холиқова**, Навоий давлат педагогика институти талабаси Назокат **Муҳамедова**, Наманган вилояти Чортоқ педагогика коллежи талабаси Ҳулкар **Сулаймонова**, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 36-мактаб ўқувчиси Шаҳноза **Очилова**, Гулистон санъат коллежи талабаси Хуршида **Турсунбоева**, Термиз шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси Эъти қодхон **Отақулова**, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ўқув устаси Камола **Пардабоева**, Фарғона давлат университети талабаси Дилёра **Исмоилова**, Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 11-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Ёрқиной **Эрназарова**, Тошкент давлат маданият институти талабаси Дилбар **Сиддиқова** ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Истеъдодли ёш сингилларимизга ўқишда, ҳаётда ва ижодда янги зафарлар тилаймиз.

## ТАФАККУР ДОВОНИ

**"Исмлар осмондан энади...". Ҳар сафар Озод ака ҳақида ўйлаганда ушбу ҳикмат ёдга келаверади. Устоз бир умр озод фикр билан озод шахс сифатида яшади. Олимнинг ёзган асарлари, адабий-илмий мулоқотларда, ўзаро суҳбатларда айтган фикрлари шундай дейишга асос беради.**

Озод Шарафиддинов муайян қолипга сиғмайдиган тарзда ўзига хос фикрлайдиган бутун шахс эди. Лекин бу дегани у жамиятнинг тутумларига риоя этмас эди, дегани эмас зинҳор. Аксинча, олимнинг ўзи "Довондаги ўйлар" китобида бундай ёзади: "Демократиянинг ҳудудлари, эркинликнинг чегараси бўладими-йўқми, билмайман, лекин шуни аниқ биламанки, демократик жамият дегани тизгинсиз, бошбошдоқ, зўравонлик жамияти эмас. Эркинликнинг моҳияти нима эканини икки минг йил аввал яшаб ўтган машҳур рим нотиғи Цицерон чиройли қилиб айтган экан: "Эркин бўлмоқ истагидаги ҳар қандай одам қонуннинг қули бўлмоғи керак".

Озод ака ҳароратли нотиқ эди. Домланинг аудиторияда, турли адабий йиғинларда сўзлаган нутқларини эшитган одам унинг сўзларига лоқайд муносабатда бўлиши мумкин эмас эди. Ҳақиқатни айтиш керак бўлганида, устоз ҳатто ўзига нисбатан ҳам шафқатсиз эди. "Эътиқодимни нега ўзгартирдим?" деган машҳур мақоласи бунинг ёрқин далилидир. Мақолада ғалати бир воқеа эсланади. Шўролар замони. Ёзувчилар уюшмасида катта йиғин бўлади. Йиғинда ёзувчи Борис Пастернакнинг "хиёнаткорона қилмиши" қораланиши керак. Энг ачинарлиси, йиғилганларнинг бирортаси Пастернакнинг бирорта ҳам асарини ўқимаган. Бироқ мажлис Пастернакни якдиллик билан қоралайди. Буни домла истеҳзо билан, ачиниш билан қуйидагича эслайди: "Ёзувчилар, яъни энг пешқадам, энг фикри

*Устозлар сабоғи*

очиқ, энг ҳақпарвар зиёлилар йиғинида бир одам топилмадики, "Эй биродарлар, асарини ҳеч қайсимиз ўқимаган бўлсак, гап нима тўғрисида бораётганидан бехабар бўлсак, ва, умуман, Пастернакнинг ўзини тузукроқ билмасак, унинг фикр-мулоҳазаларини эшитмаган бўлсак, қандай қилиб уни қоралашимиз мумкин? Бу виждонга, инсофга хилоф иш-ку!" деса... Ўшанда биз донолик билан эмас, жоҳиллик билан Пастернакнинг юзига тупурган эдик.. Аслида эса... Пастернакнинг эмас, ўзимизнинг башарамизга туфлаган эдик". Тан олиш керак, ўзгалар қатори ўзига нисбатан ҳам бу даражадаги ўткир танқидий фикрни айта олиш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермайди. Қолаверса, устознинг бу хотирасида кейинги авлодлар учун ҳам ибратлар бор.

Озод акани билганлар якдил эътироф этганларидек, домла ҳақиқатпараст эди. Жаҳолатга, кўр-кўроналикка, адолатсизликка зинҳор рози бўлолмас эди. "Довондаги ўйлар" мақоласида айтилганидек, "одамлар адолат ва ҳақиқат устувор бўлган, зўравонлик қувиб чиқарилган, ўғриликка, порахўрликка, ватанфурушликка эҳтиёж қолдирилмаган, инсоф ва диёнат, муҳаббат ва мурувват байроғи мағрур ҳилпираб турадиган жамият қуриши мумкин ва зарур" деб биларди.

Домла деярли бутун умр Миллий университетда адабиётдан дарс берди. Ҳаётининг охирги йилларида публицистика, таржимонлик билан жиддий шуғулланди. "Жаҳон адабиёти" журналининг Озод Шарафиддинов бош муҳаррирлигида нашр этилган 100 сони олимнинг чинакам қаҳрамонона меҳнатига далил бўла олади. Журналнинг ҳар бир сонида жаҳон адабиётининг, адабиётшунослигининг, сиёсатшунослигининг сара намуналари чоп этилди. Энг эътиборлиси, уларнинг аксар қисми устоз Озод Шарафиддинов меҳнатининг маҳсули эди. Бу асарлар, шубҳасиз, беиз кетмади. Эркин фикрни, баркамол шахсни тарбиялаш ишига муайян таъсир кўрсата олди.

Озод аканинг сўнгги йиллардагина бажарган илмий-ижодий ишларини бутун бир жамоа ҳам уддалаши маҳол эди десак, муболаға бўлмас. Шундай ҳолда ҳам домла ўз ишларидан қаноатланиб қолмади. Мудом изланишда бўлди. Устоз буюк аждодлар ишидан фахрланиш билан чекланиш кифоя қилмайди, уларнинг илмдаги ютуқларини янгилари билан бойитиб бориш зарур, деб ҳисоблар эди. Бу жиҳатдан, унинг қуйидаги эътирофи диққатга сазовордир: "Ўтмишдаги шон-шуҳрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шуҳратга шуҳрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади".

Домла сўнгги китобини "Довондаги ўйлар" деб номлаган эди. Одатда, довонга чиққандан кейин қуйига тушилади. Лекин тақдир Озод Шарафиддиновни бу борада ҳам сийлади. У тафаккур довонининг юксак чўққисига кўтарила олди, асло қуйига тушмади. Ҳар бир фикрловчи одам бу довонга интилиши тайин. Демак, Озод Шарафиддиновнинг умри давом этаётир.

* * *

Яқинда Миллий университетимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим, профессор Озод Шарафиддинов таваллуд куни муносабати билан "Озод Шарафидинов сабоқлари" деб номланган адабий-илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни кириш сўзи билан очган Миллий университет ректори профессор Равшан Ашуров Озод Шарафиддиновнинг университет олдидаги, Ватан ва миллат олдидаги хизматлари нечоғли улкан эканини таъкидлади. Олимнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида сўзлади.

Анжуманда мамлакатимизнинг етук олимлари, шоир ва адиблари, олимнинг оила аъзолари, дўстлари иштирок этди. Уларнинг барчаси Озод Шарафиддиновнинг олим ва одам сифатидаги фазилатларини эслади. Жумладан, **адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматов** бундай деди:

— Озод аканинг ярим асрлик фаолиятининг асосий қисми Ўзбекистон Миллий университетида ўтди. Чинакам истеъдод соҳиби, шахси бутун бу улуғ сиймонинг ижодий жасорати туфайли Миллий университет мамлакатимизда жамоатчилик тан олган адабий-танқидий марказлардан бирига айланди. Устоз бу масканда ўзига хос мактаб яратди.

**Давоми тўртинчи бетда.**

## ТАНИШ ЧЕҲРАЛАР

Юз-кўзидан нафосат ва назокат ёғилиб турувчи, ниҳоятда сокин, юмшоқ сўзлашиш услуби ҳар қандай дилни ром этгувчи бу аёлнинг чеҳраси, шубҳасиз, юртимизнинг энг олис бурчакларида яшовчиларга ҳам таниш ва қадрдон.

Зеро, ҳеч ким бу аёлни Насиба Усмонова демайди, балки оддийгина қилиб, «Ие, бу ўзимизнинг ўша Гулнор-ку», дейди.

Ҳақиқатан ҳам, 1977 йили, Театр ва рассомлик санъати институтини битириши арафасида, Насиба Усмонова ижро этган «Қутлуғ қон» видеофилмидаги Гулнор образи унга росмана шуҳрат келтирди. Ҳатто актёрликка кирганидан хафа бўлиб юрган онаси қизини Гулнор образида кўриб фахрланди.



Н.Усмонова кейинчалик «Нодирабегим» спектаклида Нодира, «Бўри уяси» филмида Азиза, «Севгимни қидириб» филмида Насиба ролларини ижро этиб, мухлислар орттирди. Институтни битиргач, дастлаб «Илҳом» ижодкор ёшлар клубида референт бўлиб фаолият бошлади. Кейин республика Актёрлар уюшмаси директори, Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раис муовини лавозимларида фаолият олиб борди. 1996 йилдан буён эса «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасида ижрочи директор сифатида ишлаб келмоқда.

Бугунги кунда «Мерос ва ёшлар» клуби фаолияти ҳақида эшитмаган, «Санамлар сарвари», «Ўтмишдан садолар» телекўрсатувларидан баҳраманд бўлмаган мухлис кам топилса керак. Н.Усмонова машҳур санъат, маданият ва фан намояндалари тўғрисидаги кўплаб ҳужжатли филмлар муаллифи. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган республика кўрик-танловларини ўтказишда ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Насиба Усмонова фақат яхши ижодкор ва фаол жамоатчигина эмас, оила бекаси, меҳрибон она сифатида ҳам кўпчиликнинг меҳрини қозонган бахтли аёлларимиздан биридир.

**Г.ФАЙЗИЕВА**

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

**Гўзал баҳор фасли табиат билан бирга, қишда мудрабгина турган одамлар қалбини ҳам уйғотиб юборди. Юртимизда тадбирлар, танловлар, байрам дастурлари кенг миқёсда ўтказилмоқда. Яқинда якунланган ёш ижрочиларнинг «Санъат ғунчалари» танлови ана шундай тадбирлардан бири бўлди.**

**Танлов ҳақида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, композитор Рустам Абдуллаев шундай деди:**

— Хабарингиз бор, мазкур танловимиз ўн йилдан буён давом этиб келади. Шуниси қувонарлики, йилдан-йилга танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритаётган истеъдодлар сони ортиб бормоқда. Бу йил қатнашчиларимиз сони саксонга яқинлашди.

Асосий лауреатларимиз Успенский ва Глиэр номидаги лицейлар ҳамда Ҳамза номидаги мусиқа коллежи ўқувчиларидир. Афсуски, вилоятлардан келган ўқувчиларнинг кўпчилигида маҳорат бобида бироз оқсаш кўзга ташланди. Шунга қарамай, бухоролик Анжелла Рамеева, Шоҳида Тўраева, Тошкент вилоятидан Вадим Бородин, нукуслик Зинел Заитов, наманганлик Муқаддас Рустамова каби созандаларнинг юқори натижалари бизни хурсанд қилди.

Танлов натижалари вилоятлардаги ёш истеъдодларга эътиборни кучайтиришимиз лозимлигини кўрсатди. Эҳтимол, жойларга пойтахтлик тажрибали педагогларни юбориб, «мастер-класс» дарсларини ўтишни йўлга қўйишимиз керакдир.





Бу йилги танловнинг ўзига хос томони шундаки, унда зарбли ва пуфлаб чалинувчи асбоблар ижрочилари ҳам қатнашдилар. Демак, иштирокчилар доираси кенгайди.

Кези келганда танловни ўтказишда яқиндан ёрдам берган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Муҳими, биз асосий мақсадимизга — ёш истеъдодларни кашф этишга эришдик.

Ҳайъат хулосасига кўра, фортепиано бўйича Комрон Отажонов ва Юлия Шек, скрипкада Нилуфар Муҳиддинова, виолончелда Аҳмад Азизов Гран-прига сазовор бўлдилар. С.Абдуғаффорова, Ш.Аҳмеджонова, А.Рустамов (фортепиано), Юнус Ражабий, Ж.Саидкаримов, З.Зоитов (виолончел), Б.Муҳаммаджонов (скрипка) биринчи ўринни эгалладилар.

**Зилола АЛИЕВА**

## «КУРАШ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ» танловига марҳамат

Кўпминг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек кураши бугунги кунда жаҳонни забт этди. Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг раҳнамолигида бу қадим спорт тури қисқа муддат ичида дунёнинг беш қитъасини қамраб олишга улгурди. Бугун дунёнинг 80га яқин давлатларида кураш федерациялари фаолият кўрсатаётгани — ўзбек курашининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганидан далолатдир. Дунё ҳамжамияти тобора довруғ қозонаётган ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олишига катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ўзбек курашини жаҳонда ва мамлакатимизда янада кенгроқ тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Кураш Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси махсус танлов эълон қилади.

### Танлов шартлари:

Ўзбек курашининг шонли тарихи, маънавий-маърифий аҳамияти, етти иқлимни забт этган чапдаст полвонларимиз ибрати, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизнинг улуғланишига бағишланган, бадиий жиҳатдан юксак савияда ёзилган насрий (роман, қисса, ҳикоя), публицистик (эссе, очерк, мақола) ҳамда шеърий (достон, шеър, бағишлов) асарлар қабул қилинади.

Мазкур асарлар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида республикамиз оммавий ахборот воситаларида танлов учун махсус ташкил этилган «Кураш — миллат ғурури» рукнида эълон қилинган бўлиши шарт.

### Танловни ўтказиш тартиби:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, асарнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, профессионал маҳорат асосий мезонлар ҳисобланади.

Ғолибларга

**энг яхши насрий асар учун:**
1 —ўрин — 300 000 (уч юз минг) сўм;
2 — ўрин — 200 000 (икки юз минг) сўм;
3 — ўрин — 100 000 (юз минг) сўм;

**Энг яхши публицистик асар учун**
1 — ўрин — 300 000 (уч юз минг) сўм;
2 — ўрин — 200 000 (икки юз минг) сўм;
3 — ўрин — 100 000 (юз минг) сўм;

**Энг яхши шеърий асар учун**
1 — ўрин — 300 000 (уч юз минг) сўм;
2 — ўрин — 200 000 (икки юз минг) сўм;
3 — ўрин — 100 000 (юз минг) сўм пул мукофоти.

Бундан ташқари ғолибларга яна учта рағбатлантирувчи мукофот ҳам берилади.

Ғолиблар 2006 йилнинг 6 сентябр — (Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган ва ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида жаҳон майдонига чиққан) куни эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Кураш — миллат ғурури» танловига деган қайд билан жорий йилнинг 10 мартидан 20 августига қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига (Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй) тақдим этилади.

**Ташкилий қўмита**

